ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:

**ТОШБОЕВ БЕКЗОД БАХТИЁРОВИЧ**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.01 –“ Иқтисодиёт назарияси”

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ ОЛИШ УЧУН ЁЗИЛГАН
Д И С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари номзоди, доцент О.Т. Сатторқулов

TDIU kutubxonasi
1249

**Тошкент - 2023**

# МУНДАРИЖА

КИРИШ.................................................... 3

**I БОБ. ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.................... 14**

1.1-§. Импорт ўрнини босувчи кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг назарий жиҳатлари.................... 14

1.2-§. Импорт ўрнини босишга асосланган иқтисодий ўсиш турларининг услубий асослари.................... 25

1.3-§. Ишлаб чиқаришда импорт ўрнини босувчи механизмни қўллашнинг жаҳон тажрибаси.................... 36

Биринчи боб бўйича хулосалар.................... 52

**II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ВУЖУДГА КЕЛТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ.................... 54**

2.1-§. Ўзбекистонда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.................... 54

2.2-§. Иқтисодиётда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришмасалалари.................... 80

2.3-§. Ҳудудларни барқарор ривожлантиришда импорт ўрнини босиш механизмидан самарали фойдаланиш муаммолари.................... 100

Иккинчи боб бўйича хулосалар.................... 123

**III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСУВЧИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ.................... 125**

3.1-§. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш ўсишини таъминлашнинг янги манбалари ва захиралари.................... 125

3.2-§. Ўзбекистонда ишлаб чиқаришни барқарор ривожлантиришнинг институционал тизимини такомиллаштириш.................... 137

3.3-§. Иқтисодий тараққиётнинг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикасида импорт ўрнини босувчи иқтисодий ўсиш модели.................... 156

Учинчи боб бўйича хулосалар.................... 171

**ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР.................... 173**

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.................... 176**

**ИЛОВАЛАР.................... 185**

# КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда глобаллашув жараёнлари кенгайиб, халқаро рақобат кескинлашиб бораётган шароитда миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини таъминлашга йўналтирилган саноат сиёсатининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. UNCTAD маълумотларига кўра, “кейинги беш йил давомида дунё ялпи ички маҳсулотининг 90 фоиздан ортиқ қисмини ишлаб чиқарувчи қарийб 80 дан ортиқ мамлакатлар томонидан саноатни ривожлантириш борасида истиқболли стратегиялар ишлаб чиқилган ва бугунги кунда улардан амалда кенг фойдаланиб келинмоқда”[1]. Ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган саноат сиёсатининг янги авлоди ўз олдига қўйилган мақсадларнинг хилма-хиллиги ва фавқулодда мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Жаҳонда юз бераётган глобал иқтисодий инқироз шароитида иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва глобаллашувнинг жадаллашуви шароитида ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олиш, дунёда саноатлаштириш сиёсатининг янги босқичга қадам қўйиши, мамлакатларнинг барқарор ривожланиш мақсадларига интилишлари бу борадаги ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади.

Жаҳонда кучайиб бораётган глобал рақобатга жавобан миллий иқтисодиётдаги импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш тадқиқига йўналтирилган илмий изланишлар ўз аҳамиятини намоён этмоқда. Импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида маҳаллийлаштириш дастурларини самарали амалга ошириш, импорт жараёнларини тартибга солиш орқали асосий макроиқтисодий нисбатлар ва мувозанатни таъминлаш, “яшил технологиялар”ни изчил жорий қилиш ва иқлим ўзгаришларига қарши курашиш орқали миллий ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини таъминлаш,

[1] https://unctad.org/system/files/official-document/aldc2020d2_ru.pdf